



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ  
БОШҚАРИШ КАФЕДРАСИ

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА КАМБАҒАЛЛИК ВА ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

мавзусидаги Республика илмий-амалий  
конференцияси материаллари  
тўплами



2021 йил 24 ноябрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ**

**ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ КАФЕДРАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА  
КАМБАҒАЛЛИК ВА ИШСИЗЛИК  
ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ Тўплами**

**2021 йил 24 ноябрь**

**Тошкент – 2021**

УЎК: 334.722(575.1)  
КБК 65.9(5Ў)09

**“Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш асосида камбағаллик ва ишсизлик даражасини камайтириш масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2021. – 402 б.**

Ушбу мақолалар тўпламида Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш асосида камбағаллик ва ишсизлик даражасини камайтириш, хусусан, мамлакатда демократик ислохотларни амалга оширишда аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш йўналишлари, COVID-19 пандемиясининг аҳоли турмуш даражасига таъсири, рақамли иқтисодиёт асосида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағаллик даражасини камайтиришнинг муҳим йўналишлари, тадбиркорлик фаолиятини ташкиллаштириш стратегиялари ва уни амалга оширишнинг молиявий механизмларини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларини ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар баёни келтирилган.

Тўпламга олий ўқув юртларида аҳоли турмуш даражасини ошириш ва камбағалликни камайтириш, меҳнат иқтисодиёти муаммолари бўйича изланишлар олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчи илмий ходимлар, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг етакчи мутахассислари, ёш олимлар, докторантлар, мустақил тадқиқотчилар, магистр ва иқтидорли талабаларнинг мақолалари киритилган.

Мақолалар тўплами олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ёш олимлар, илмий ходимлар, тадқиқотчилар ва амалиётчи иқтисодчилар учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:** т.ф.д., проф. К.А. Шарипов

**Таҳрир хайъати:**

акад. Қ.Х. Абдурахмонов, проф. М.П.Эшов,  
проф. Г.Қ. Абдурахмонова, и.ф.д., проф. С.К. Худайкулов,  
проф. Д.А. Рахмонов, доц. С.Б. Ғойипназаров,  
доц. И.А. Бакиева, доц. А.Б. Ҳайитов

**Такризчилар:**

и.ф.д., проф. З.Я. Худойбердиев,  
и.ф.д. Н.Х. Рахимова.

*Мазкур тўпламга киритилган маъруза тезислари мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдир.*

**ISBN 978-9943-7683-6-9**

© Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2021.

манбаларида ташқари қўшимча молиявий маблағларни ишлаб топиши таълим сифатини оширишга ҳамда малакали кадрларни тайёрлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, коллежлар ва техникумлар янги ташкил этилганлигини инобатга олиб, уларнинг фаолиятини тўлақонли таъминлаш мақсадида бошқа зарур бўлган бирламчи харажатлари учун маблағларнинг етишмайдиган қисмини таълим муассасаларининг хусусиятидан ва молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари доирасида қоплаш, ушбу таълим муассасалари фаолиятини ривожлантиришга ҳамда меҳнат бозорида малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

**PhD Г.О. Очилова,  
ТДИУ**

### **Рақамли иқтисодиёт шароитида оилавий бизнес ва тадбиркорликда гендер муносабатларни ўрганилиши**

Ўзбекистон шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-психологик мақомини ўрганиш, улардаги самарали тадбиркорликни таъминловчи шахсий хусусиятларининг ўзига хослигини тадқиқ этган ҳолда уларнинг фарзандларида ҳам тўғри иқтисодий тафаккур ва маданиятни тарбиялаш, келгуси авлодни иқтисодий жиҳатдан рақобатбардош қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга фаол муносабатни шакллантириш, ишбилармон, тадбиркор, менежмент соҳасида билимдон қилиб вояга етказиш, шу билан бирга оилавий мақомларини ҳам йўқотмасликка ўргатишда амалий аҳамиятга эгадир. Тадбиркорликда муваффақиятли фаолият кўрсатиш, хотин-қизларнинг бизнес соҳасидаги профессионал салоҳиятларини миллий урф-одатлар, маҳаллий меҳнат удумларини инобатга олган ҳолда ошириш, улардаги профессионал қобилиятни ўстириш, зарур билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари учун махсус таълим лойиҳалари – дастурларни ишлаб чиқиш шу куннинг муҳим вазифаларидандир. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилишга йўналтирилган дастурлар доирасида сўнгги 3 йил давомида 600 мингдан зиёд аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 15 триллион сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилган. 2021 йилда аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, маҳаллаларда ишсиз ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилиш, уларнинг ўз бизнесини ташкил этишига кўмаклашиш борасидаги тадбирларни тизимли равишда давом эттириш мақсадида:

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилишга йўналтирилган:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида ҳақиқий эҳтиёждан ҳамда шакллантирилган лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда ажратилаётган ресурсларни Дастурлар, ваколатли банклар ва ҳудудлар кесимида тезкор қайта тақсимлаш бўйича ваколатли ҳисобланиши, ажратилаётган маблағлар доирасида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурига киритилган қишлоқ ва маҳаллаларда, уларнинг ихтисослигидан келиб чиқиб, тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришни назарда тутилган. Айтиш жоизки, юртимизда оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари бир қатор меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. Бош Қомусимизнинг 53-моддасига мувофиқ, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилмахил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жихатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Бундан ташқари, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 7 - моддасида жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик шаклида амалга ошириш мумкинлиги назарда тутилган. Қонунда белгиланишига кўра, оилавий корхоналар фаолияти соҳасида юридик шахслар учун белгиланган солиқ ёки ягона ер солиғи тўлаш назарда тутилган фаолият турларини амалга оширишлари мумкин. Бунда оилавий корхоналар фаолиятининг асосий соҳалари истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш, шунингдек, хизматлар кўрсатиш ва сервис бўйича фаолият ҳисобланади. Фаолият турлари рўйхатига ҳунармандчилик фаолияти ҳам киритилади.

2020 йилнинг 12 декабр куни «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эълон қилинди. Лойиҳада «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири назарда тутилган. Унда хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органларининг қуйидагилар борасидаги ўзаро ҳамкорлик тамойиллари баён этилади: қонунга риоя этилиши; хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва тенглиги; мулк дахлсизлиги; соғлом рақобат.

Ҳужжат лойиҳасида тадбиркорлик субъектлари қуйидаги мезонлар бўйича таснифланади:

**а) кичик бизнес субъектлари:** якка тартибдаги тадбиркорлар; микрофирмалар – ходимларининг ўртача сони 10 нафардан иборат бўлган ҳамда товарларни (ишлар, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган йиллик соф даромади 4 млрд сўмгача миқдорни ташкил этадиган тадбиркорлик субъектлари; кичик корхоналар – ходимларининг ўртача сони 11 нафардан 49 нафаргача бўлган ҳамда товарларни (ишлар, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган йиллик соф даромади 20 млрд сўмгача миқдорни ташкил этадиган тадбиркорлик субъектлари;

**б) ўрта бизнес субъектлари (ўрта корхоналар)** – ходимларининг йиллик сони 50 нафардан 249 нафаргача бўлган ҳамда товарларни (ишлар, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган йиллик соф даромади 100 млрд сўмгача миқдорни ташкил этадиган тадбиркорлик субъектлари;

**в) йирик бизнес субъектлари (йирик корхоналар)** – доимий ходимлари сони бир йилда 250 нафардан кўп бўлади, товарларни (ишлар, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган йиллик соф даромади эса 100 млрд сўмдан юқори миқдорни ташкил этади.

Тадбиркорлик субъектлари кўрсатиб ўтилган мезонлардан бирига мувофиқ келган тақдирда тадбиркорлик субъектлари реестрига киритилади. Тадбиркорлик субъектлари тоифасини белгилаш ва қайта тайинлаш календарь йил охирида юридик шахс томонидан тақдим этилган молиявий ва статистик ҳисоботга асосан амалга оширилади. Шунингдек қонун лойиҳасида қуйидагилар қайд этилган: тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари; тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари; тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартиби; тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари; кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун инфратузилма субъектлари рўйхати; тадбиркорлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш.

Демак, оилавий бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш ва уларнинг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилган: оилавий бизнес иштирокчилари томонидан корхона устав фондиди энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан паст бўлмаган миқдорда мустақил ҳолда белгилаш; оилавий бизнес иштирокчиларини ҳисобга олган ҳолда ишчиларнинг рўйхатдаги умумий сонини фаолият тури бўйича кичик корхона ва микрофирмалар учун ўрнатилган ишчилар сонига мос ҳолда ҳамда иштирокчилари сони ками билан икки киши бўлишини белгилаш; оилавий бизнесда ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланиладиган турар жойларни (кўп хонадонли уйларда жойлашган турар жойлар бундан мустасно) нотурар жойларга ўтказиш талабларини мавжуд эмаслиги, фаолиятнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ташқари; оилавий бизнес иштирокчилари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин уларнинг тасарруфига келиб тушган фойдага солиқ

солишдан озод этиш; аҳоли учун назарда тутилган тарифлар бўйича коммунал инфратузилма объектларига уланиш ва коммунал хизматлардан (электр энергияси, газ, сув таъминоти) фойдаланиш.

Тадбиркорлик фаолиятида муваффақиятга эришиш – мақсадга интилишдаги матонат, таваккалчиликка тайёрлик, ўзига ишончлилик, мослашувчанлик, шахсий жавобгарлик ҳисси, киришувчанлик, турли маълумотларни тез йиғиш ва улардан фойдаланиш қобилияти каби шахсий сифатлар мажмуасининг шаклланишига боғлиқдир. Бунинг учун, “оилавий бизнес” шароитида, барча шахсий сифатларни ўзида жамлаган алоҳида бир кишининг бўлиши шарт эмас. Оиладаги ҳар бир аъзонинг кучли ва кучсиз жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқаришда жараёнида бажарадиган ролини ҳамда шахсий салоҳиятини максимал даражада очиб беришга хизмат қиладиган бандликни мақбул равишда тақсимлаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ёш авлод куч-қуввати билан катталар тажрибасини мувофиқлаштириш ҳам самарали механизмлардан бири ҳисобланади. Хусусан, ёшлардаги тез ўзлаштириш қобилияти ва инновацион салоҳият мавжуд муаммони ҳал этиш жараёнига нисбатан стандартлашмаган ёндашувни келтириб чиқариши мумкин.

Шунингдек, оилавий бизнес, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланган рўйхатга кўра, ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини сотишдан олинган тушумлар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинадилар. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини такомиллаштириш келажақда нафақат оила ривожига, балки мамлакат тараққиётига хизмат қилади. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик соҳасида, айниқса қишлоқ жойларида барқарор янги иш жойларини ташкил этиш ҳисобига, ҳозирги вақтда норасмий секторда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ишчи кучларни, шу жумладан меҳнат шартномасини расмийлаштирмасдан тадбиркорларга ёрдам бераётган оила аъзоларини расмий бандлик соҳасига босқичма-босқич жалб этишни таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар сифатида эътироф этиш керакки, бугунги глобаллашув жараёнлари давом этаётган бир даврда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ушбу секторда аёллар меҳнатининг ролини ошириш масалалари давлатимиз иқтисодиётининг ҳар томонлама юксалишида алоҳида аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш ва бундай меҳнатни самарали амалга татиқ этиш мақсадида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Аёллар меҳнатини кенгайтириш ва имкониятлар яратиб бориш борасидаги меъёрий ҳужжатлар асосида иқтисодиётни бошқаришни янгича ташкил этишнинг энг замонавий услуб ва қулайликларига эришилмоқда.

тайёрлаш сифатини оширишнинг ташкилий-услугий шакллари такомиллаштириш.....	347
<i>Алиева Н.А.</i> Ўзбекистонда пиллачилик тармоғини инновацион ривожлантириш зарурияти .....	350
<i>Ахmadaliyeva Z.X.</i> О'zbekistonda tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishda istisno bitimining tadbiri.....	353
<i>Зарифов Б.А.</i> Меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлигини оширишнинг асосий йўналишлари	356
<i>Дадамухамедов Р.Б.</i> Трудовые ресурсы как основной элемент устойчивого развития предприятия.....	361
<i>Дадамухамедова М.</i> Кадрлар стратегиясини амалга оширишда кадрлар сиёсатининг ўрни.....	363
<i>Акбарова М.</i> Конфликты в системе управления персоналом организации.....	365
<i>Акбарова М.</i> Социально-психологические методы управления персоналом.....	367
<i>Кодирходжаева М.Р.</i> Управление человеческими ресурсами и их взаимосвязь с инновационной деятельностью организаций	369
<i>Рамазонов С.</i> Повышение эффективности коммуникационных процессов.....	375
<i>Шакирова Д.З.</i> Взаимосвязь стратегии развития организации и стратегии управления персоналом	377
<i>Шакирова Д.З.</i> Стратегия управления персоналом в организации	381
<i>Malikova A.</i> Yoshlarda liderlik salohiyatini oshirish.....	383
<i>Жалалова М.Ш.</i> Мамлакатда темир йул транспортини такомиллаштиришни минтақавий жиҳатлари.....	385
<i>Сахибов О.К.</i> Профессионал таълим муассасаларини молиявий маблағларини ошириш йўналишлари	391
<i>Очилова Г.О.</i> Рақамли иқтисодиёт шароитида оилавий бизнес ва тадбиркорликда гендер муносабатларни ўрганилиши.....	394



**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА  
КАМБАҒАЛЛИК ВА ИШСИЗЛИК  
ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШ  
МАСАЛАЛАРИ**

***ИМЛИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ  
ТЎПЛАМИ***

<i>Муҳаррирлар:</i>	<i>Вахабов М.М.,</i>
	<i>Мадумарова Г.Э.,</i>
	<i>Каршиева Ш.Д.,</i>
<i>Техник муҳаррир</i>	<i>Камилова Д.Д.</i>
<i>Мусаҳҳиҳ</i>	<i>Султанова Ж.Х.</i>
<i>Компьютерда</i>	<i>Саидов Н.Р.</i>
<i>саҳифаловчи</i>	

Бичими 60x84 1/16. “Times Uz” гарнитураси.  
Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табағи 44,5. Нашр босма табағи 43,25.  
Тиражи 100.  
“Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”  
босмахонасида чоп этилди.  
100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 7-уй